

**ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.18/2025.27.12.Gr.02.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ИСАБЕКОВ СЕРИК РИСБЕК ЎҒЛИ

**ЎЗБЕКИСТОНДА АТМОСФЕРА ЁҒИНЛАРИ КИМЁВИЙ ВА
ИЗОТОП ТАРКИБИНИНГ ҲУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

11.00.03 – Қуруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2026

УЎК: 551.577+556.12+504.3.054+54.027

**География фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по географическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on geographical sciences**

Исабеков Серик Рисбек ўғли

Ўзбекистонда атмосфера ёғинлари кимёвий ва изотоп таркибининг
худудий хусусиятлари.....3

Исабеков Серик Рисбек угли

Пространственные особенности химического и изотопного состава
атмосферных осадков в Узбекистане21

Isabekov Serik

Spatial features of chemical and isotopic composition of atmospheric
precipitation in Uzbekistan.....39

Нашр қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.18/2025.27.12.Gr.02.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ИСАБЕКОВ СЕРИК РИСБЕК ЎҒЛИ

**ЎЗБЕКИСТОНДА АТМОСФЕРА ЁҒИНЛАРИ КИМЁВИЙ ВА
ИЗОТОП ТАРКИБИНИНГ ҲУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

11.00.03 – Қуруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2026

География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2025.2.PhD/Gr391 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Гидрометеорология илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-сайтида (www.nigmi.uz) ва “Ziyonet” Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Нишонов Баҳриддин Эркинович

техника фанлари номзоди, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Муродов Шухрат Одилевич

техника фанлари доктори, профессор

Хайдаров Сафарбой Абдирашитович

география фанлари бўйича фалсафа доктори

Этакчи ташкилот:

Ўзбекистон миллий университети

Диссертация ҳимояси Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.18/2025.27.12.Gr.02.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил «17» апрель соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100052, Тошкент ш., Бодомзор йўли 1-тор кўчаси, 72. Тел.: +998 71 2358512, факс: +998 71 2371319, e-mail: info@nigmi.uz).

Диссертация билан Гидрометеорология илмий-тадқиқот институтининг Илмий-техника кутубхонасида танишиш мумкин (№238 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100052, Тошкент ш., Бодомзор йўли 1-тор кўчаси, 72. Тел.: +998 71 2358512, факс: +998 71 2371319.

Диссертация автореферати 2026 йил «3» апрель куни таркатилди.
(2026 йил «___» _____ даги рақамли реестр баённомаси).



[Handwritten signature]

Б.М.Холматжанов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, г.ф.д.

[Handwritten signature]

Э.Ю.Сафаров

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби в.в.б, т.ф.д.

[Handwritten signature]

Д.М.Турғунов

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, г.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда шаҳарлар ва саноатлашган худудларда атмосфера ҳавосининг ифлосланишини ортиши натижасида атмосфера ёғинларининг кимёвий таркиби ўзгармоқда ҳамда иқлим ўзгариши шароитида атмосфера ёғинларининг глобал сув айланишидаги аҳамияти ортиб бормоқда. Бу борада Атом энергияси бўйича халқаро агентлик ҳисоботида “Иқлим ўзгаришининг сув ресурсларига потенциал таъсири, кўплаб халқаро илмий дастурлар доирасида ўрганилаётган хавотирли масалалардан бири ҳисобланади. Маҳаллий ёғинлардаги намлик манбаларининг хусусиятларини аниқлаш иқлимий боғлиқликларни тушунишни яхшилаш учун муҳим аҳамиятга эга”¹ деб таъкидланади. Бу ҳолат дунёнинг турли минтақаларида атмосфера ёғинлари кимёвий таркиби ўзгаришларини ўрганиш, атмосфера ёғинларининг дарёлар сув ресурсларига ҳиссаларини баҳолаш усулларини такомиллаштириш, бунда сувнинг стабил изотопларидан фойдаланиш бўйича илмий тадқиқотларни амалга оширишни тақазо этмоқда.

Жаҳонда мазкур йўналишдаги, жумладан, атмосфера ёғинларининг кимёвий таркиби, уларнинг антропоген ва табиий таъсирлар натижасида ўзгариши, кислотали ёмғирларнинг атроф-муҳит компонентлари ҳолатига таъсирини аниқлашга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шунингдек, иқлим ўзгариши шароитида атмосфера ёғинлари изотоп таркибининг ҳудудий ва вақт бўйича ўзгариш хусусиятларини ўрганиш, шу асосда уларнинг сув ресурсларининг шаклланишидаги ҳиссасини баҳолаш ҳамда глобал сув айланишининг маҳаллий хусусиятларини аниқлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда атмосфера ҳавоси ифлосланишини камайтириш, сув ресурсларининг қўшимча манбаларини аниқлаш, атмосфера ёғинларидан сув таъминотида фойдаланишга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ва бу борада муайян ижобий натижаларга эришилмоқда. «Ўзбекистон–2030» Стратегиясида «атмосфера ҳавоси ифлосланишининг олдини олиш, унинг табиий таркибини сақлаш бўйича кескин чоралар кўриш» ҳамда «узоқ муддатга мўлжалланган республиканинг сув ресурслари балансини ишлаб чиқиш ва унинг устидан доимий мониторинг ўрнатиш тизимини жорий қилиш»² бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада республикамизда атмосфера ёғинлари кимёвий таркиби ўзгаришларини атмосфера ҳавоси ифлосланишига боғлиқлигини аниқлаш, ёғинлар кимёвий ва изотоп таркиби ўзгаришларининг ҳудудий хусусиятларини баҳолаш, изотоп маълумотлари асосида дарёлар сув ресурслари манбаларини аниқлаш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон «Ўзбекистон–2030 стратегияси тўғрисида»ги, 2025 йил

¹ Water and climate change. <https://www.iaea.org/topics/climate-change-and-the-water-cycle>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158 сон «Ўзбекистон-2030» стратегияси тўғрисидаги» Фармони. <https://www.lex.uz/ru/docs/6600404>

24 ноябрдаги ПФ-229-сон «Тошкент шаҳрида экологик вазиятни яхшилаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2020 йил 17 ноябрдаги ПҚ-4896-сон «Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги 343-сон «Атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражасини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Атмосфера ёғинлари кимёвий ва изотоп таркибининг ҳудудий ва вақт бўйича ўзгаришларини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар кўплаб хорижий олимлар, жумладан, Н.С.Срайг, М.Г.Кендалл, В.Г.Мук, Ж.Р.Гат, М.Розански, Р.Фритц, К.К.Мурата, Ж.С.Фонте ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Собиқ Иттифоқ ва МДХ мамлакатларида Ю.А.Израэль, И.М.Назаров, И.Д.Еремина, Н.И.Толстихин, А.А.Матвеев, П.Ф.Свистов каби олимларнинг тадқиқотларида атмосфера ёғинлари кимёвий таркиби, унга атмосфера ҳавоси ифлосланишининг таъсири ўрганилган. А.М.Никаноров, Ю.А.Федоров, О.И.Башмаков, В.И.Ферронский, В.А.Поляков, Г.В.Симонова ва бошқаларнинг тадқиқотлари атмосфера ёғинлари изотоп таркибининг ўзгаришлари масалаларига бағишланган.

Ўзбекистонда атмосфера ёғинлари минерализацияси, физик-кимёвий кўрсаткичларининг ўзгаришларига оид тадқиқотлар Г.А.Толкачева, Т.Ю.Смирнова, Ю.И. Ковалевская, О.А.Агафонова каби тадқиқотчилар томонидан олиб борилган. Ўзбекистондаги атмосфера ёғинлари таркибидаги стабил изотоплар бўйича авваллари тадқиқотлар деярли ўтказилмаган. Ҳозирда Ўзбекистоннинг асосан тоғли ҳудудларидаги музликлар, дарёлар ва ёғинлар сувининг изотоп таркибини тадқиқотлари билан Б.Э.Нишонов ва Ғ.Ў.Умирзаков каби олимлар шуғулланишмоқда.

Мазкур диссертация иши Ўзбекистондаги атмосфера ёғинлари физик-кимёвий кўрсаткичларини ва кимёвий таркибининг ҳудудий хусусиятларини, уларнинг вақт бўйича ўзгаришларини ҳамда Ўзбекистонда илк бор атмосфера ёғинлари таркибидаги стабил изотоплар (водород-2 (дейтерий) ва кислород-18) қийматларининг ҳудуд ва вақт бўйича тақсимотини ўрганиш масалаларига бағишланганлиги билан юқоридаги ишлардан фарқ қилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Гидрометеорология илмий-тадқиқот

институту илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИЗ-2020113030 “Ўзбекистонда стабил изотоплардан фойдаланиб сув ресурслари ва уларнинг ифлосланишини мониторинг қилиш бўйича дастурий маҳсулот яратиш” (2022-2025 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳаси ҳамда Атом энергияси бўйича халқаро агентликнинг UZB-26411 “Ўзбекистонда ёғинлар ва дарёлардаги ^2H ва ^{18}O изотопларининг фазовий ва вақт бўйича тақсимотини аниқлаш” (2022-2024 йй.) лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон ҳудудидаги атмосфера ёғинларининг кимёвий ва изотоп таркибининг ҳудудий хусусиятларини ва вақт бўйича ўзгаришларини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистондаги атмосфера ёғинлари кимёвий таркиби бўйича маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва маълумотлар базасини яратиш;

Ўзбекистон ҳудудида атмосфера ёғинларидан намуналар олиш, уларни кимёвий ва изотоп таркибини таҳлил қилиш;

Ўзбекистондаги атмосфера ёғинлари кимёвий таркибининг ҳудудий ва вақт бўйича ўзгаришларини аниқлаш;

Ўзбекистондаги атмосфера ёғинлари таркибидаги ^2H ва ^{18}O изотоплари қийматлари маълумотлари базасини яратиш;

Ўзбекистонда атмосфера ёғинларидаги ^2H ва ^{18}O изотоплари қийматларининг вақт ва ҳудуд бўйича ўзгаришларини аниқлаш;

Ўзбекистондаги атмосфера ёғинлари учун маҳаллий метеорик сув чизиқларини тузиш ва уларнинг ҳудудий хусусиятларини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон ҳудудидаги атмосфера ёғинлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистон ҳудудидаги атмосфера ёғинларининг кимёвий ва вақт изотоп таркиби ўзгаришларининг ҳудудий хусусиятларини аниқлаш масалалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда гидрометеорологик ҳисоблашлар ва баҳолашлар, умумлаштириш, математик статистика, регрессион таҳлил усулларида фойдаланилган. Атмосфера ёғинларинининг физик-кимёвий кўрсаткичлари ва кимёвий таркибини аниқлашда физик-кимёвий таҳлил усуллари, изотоп таркибини аниқлашда сув стабил изотопларини таҳлил қилишнинг замонавий усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистондаги атмосфера ёғинлари физик-кимёвий кўрсаткичлари (рН, электр ўтказувчанлик) ва кимёвий таркиби (минерализация, ионлар миқдори)нинг ҳудудий хусусиятлари баҳоланган;

атмосфера ёғинлари физик-кимёвий кўрсаткичлари ва кимёвий таркибининг 2000-2024 йиллардаги мавсумий, йил давомида ва йиллараро ўзгаришлари аниқланган;

илк бор Ўзбекистондаги атмосфера ёғинлари таркибидаги стабил изотоплар (дейтерий ва кислород-18) қийматларининг ҳудудий ва вақт бўйича (ойлик, мавсумий, йиллик) ўзгаришлари аниқланган;

илк бор Ўзбекистондаги атмосфера ёғинлари таркибидаги стабил изотоплар (дейтерий ва кислород-18) учун маҳаллий метеорик сув чизиқларининг ҳудудий хусусиятлари баҳоланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда атмосфера ёғинлари ҳудудий тақсимланишининг ойлик, мавсумий ва кўп йиллик ўзгаришлари баҳоланган;

турли (шаҳар, саноатлашган ҳудуд, тоғли ва тоғ олди) ҳудудлардаги атмосфера ёғинларининг минерализацияси ва ионлар миқдорлари орасидаги боғлиқлик аниқланган ва регрессия тенгламалари олинган;

Ўзбекистоннинг турли ҳудудларидаги атмосфера ёғинларидаги стабил изотоплар – дейтерий ва кислород-18 қийматлари аниқланган ва уларнинг ҳудудий тақсимланиш хусусиятлари баҳоланган;

илк бор Ўзбекистоннинг турли ҳудудларидаги атмосфера ёғинлари учун маҳаллий метеорик сув чизиқлари олинган;

Ўзбекистондаги атмосфера ёғинлари таркибидаги стабил изотоплар (дейтерий ва кислород-18) қийматлари ҳақидаги 2022-2024 йилдаги маълумотлар Жаҳон метеорология ташкилоти ва Атом энергияси бўйича халқаро агентликнинг “Ёғинлардаги изотоплар глобал тармоғи” (ЁИГТ) маълумотлар базасига киритилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертация ишини бажаришда Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлиги (Ўзгидромет) тизимида стандарт усулларда амалга оширилган гидрометеорологик ва гидрокимёвий маълумотлардан фойдаланилганлиги, изотоп таҳлиллари Атом энергияси бўйича халқаро агентлик лабораториясида амалга оширилганлиги, маълумотларни қайта ишлашда умумқабул қилинган тадқиқот усуллари, жумладан, математик статистика усуллари қўлланилганлиги, тадқиқотда олинган изотоп қийматлари маълумотлари Жаҳон метеорология ташкилоти ва Атом энергияси бўйича халқаро агентликнинг “Ёғинлардаги изотоплар глобал тармоғи” (ЁИГТ) маълумотлар базасига киритилганлиги, олинган натижаларнинг мазкур тадқиқот йўналишидаги бошқа муаллифларнинг натижалари билан мослиги ва амалиётга жорий қилинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, эришилган натижалар ва олинган асосий илмий хулосалар, жумладан, Ўзбекистон ҳудуди учун олинган атмосфера ёғинлари изотоп таркиби маълумотлари ва олинган маҳаллий метеорик сув чизиқлари дунёдаги ёғинлардаги изотоплар қийматлари бўйича мавжуд бўшлиқларни тўлдириши ҳамда қўлланилган усуллар ва илмий ёндашувлардан бошқа ҳудудлардаги ёғинларнинг кимёвий ва изотоп таркиби мониторингида фойдаланиш имкониятлари мавжудлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, олинган асосий хулосалар ва натижалардан атмосфера ҳавосини ифлосланишини

камайтириш бўйича чора-тадбирларни белгилашда, ёгинлардаги изотоп маълумотлари ва маҳаллий метеорик сув чизиғидан дарёлар тўйиниш манбаларини аниқлашда, шунингдек, республикамиз олий таълим тизимининг гидрология ва атроф-муҳит муҳофазаси соҳасига тегишли йўналишлари ва мутахассисликларида янги муҳим манба бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Ўзбекистон ҳудудидаги атмосфера ёгинларининг кимёвий ва изотоп таркибининг ҳудудий ва вақт бўйича тақсимланиши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ўзбекистондаги атмосфера ёгинлари физик-кимёвий кўрсаткичлари (рН, электр ўтказувчанлик) ва кимёвий таркиби (минерализация, бош ионлар миқдори)нинг ҳудудий хусусиятларини баҳолаш натижаларидан Гидрометеорология хизмати агентлигида республика ҳудудида атмосфера ҳавоси ифлосланишининг атмосфера ёгинлари физик-кимёвий кўрсаткичлари ва кимёвий таркибига таъсирини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлигининг 2025 йил 15 декабрдаги №01-15/2033-сон маълумотномаси). Натижада, атмосфера ҳавоси ифлосланиши ва атмосфера ёгинлари кимёвий таркиби бўйича қўшимча маълумотлар олиш имконияти яратилган;

атмосфера ёгинлари физик-кимёвий кўрсаткичлари ва кимёвий таркибининг аниқланган мавсумий, йил давомида ва йиллараро ўзгаришлари маълумотларидан Гидрометеорология хизмати агентлигида республика ҳудудида атмосфера ҳавоси ифлосланиши бўйича даврий ҳисоботларни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлигининг 2025 йил 15 декабрдаги №01-15/2033-сон маълумотномаси). Натижада, атмосфера ҳавоси ифлосланиши бўйича ҳисоботларнинг мазмуни ва қўламини кенгайтириш имконини берган;

Ўзбекистондаги атмосфера ёгинлари таркибидаги стабил изотоплар (дейтерий ва кислород-18) қийматларининг аниқланган ҳудудий ва вақт бўйича (ойлик, мавсумий, йиллик) ўзгаришлари маълумотларидан Гидрометеорология хизмати агентлигида атмосфера ёгинлари таркибидаги стабил изотоплар маълумотлар базасини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлигининг 2025 йил 15 декабрдаги №01-15/2033-сон маълумотномаси). Натижада, Жаҳон метеорология ташкилоти ва Атом энергияси бўйича халқаро агентликнинг “Ёгинлардаги изотоплар глобал тармоғи”да Ўзбекистонни қатнашиши ва ушбу тармоққа республикадаги атмосфера ёгинлари таркибидаги стабил изотоплар қийматлари ҳақидаги маълумотларни киритиш имконини берган;

Ўзбекистондаги атмосфера ёгинлари таркибидаги стабил изотоплар учун маҳаллий метеорик сув чизиқларининг ҳудудий хусусиятлари маълумотларидан Гидрометеорология хизмати агентлигида республика

худудидаги дарёлар сув ресурслари манбаларини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси хузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлигининг 2025 йил 15 декабрдаги №01-15/2033-сон маълумотномаси). Натижада, дарёлар тўйинишининг манбалари ҳақида тўлиқроқ маълумот олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 1 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 102 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мавзунинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, ишнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги қайд этилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баҳоланган, диссертациянинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, уларнинг амалиётда жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **биринчи боби “Атмосфера ёғинлари кимёвий ва изотоп таркибини ўрганиш масалалари”** деб номланади. Диссертациянинг ушбу бобида атмосфера ёғинлари миқдорларининг ҳудуд бўйича тақсимланиши, уларнинг кимёвий ва изотоп таркибини ўрганишнинг илмий-амалий аҳамияти, “Ёғинлардаги изотоплар глобал тармоғи” (ЁИГТ) ва унда Ўзбекистоннинг иштироки кўриб чиқилган.

Ўзбекистон худудида атмосфера ёғинлари миқдори турлича тақсимланган, ўртача йиллик ёғинлар миқдори текислик ҳудудларида 80-100 мм, тоғларда 800-900 мм гача етади. Ўзбекистонда атмосфера ёғинлари вақт (ойлар ва фасллар) бўйича ҳам турлича тақсимланган: март-апрель ёғинлар энг кўп ёғадиган ойлар ҳисобланади. Йиллик ёғинларнинг 40 % баҳорга, 30 % қишга ва 15-20 % эса куз фаслига тўғри келади. Ёзда эса ёғинлар миқдори кескин камайиб, республикамиз жанубида йиллик ёғин миқдорининг 2-3 % ини, шимолида эса 5-10 % ини ташкил этади.

Ўзбекистонда атмосфера ёғинлари кимёвий таркиби бўйича тадқиқотлар 1990-йиллар охири ва 2000-йиллар бошларида Г.А.Толкачева, Т.Ю.Смирнова, Ю.И. Ковалевская, О.А.Агафонова томонидан олиб борилган. Ушбу тадқиқотларда Тошкент вилояти ҳудудида атмосфера ёғинларининг таркиби, унинг саноат корхоналари ажратмалари таъсири натижасида ўзгариши масалалари кўриб чиқилган.

Атмосфера ёғинларининг кимёвий таркиби атмосферага чиқарилаётган зарарли газларнинг таъсирида шаклланади. Атмосферага олтингугурт диоксиди ва азот оксидларини чиқарилиши ёғинлар муҳитини кислотали бўлишига ва “кислотали ёмғирлар” ёғишига сабаб бўлади. “Кислотали ёмғирлар” атроф-муҳит компонентлари ҳолатига, сув ва тупроққа, биолар ва иншоотларга салбий таъсир кўрсатади. Атмосферага аммиакни чиқарилиши эса ёғинлар муҳитининг ишқорий бўлишига олиб келади. Шу сабабли ҳам атмосфера ёғинлари физик-кимёвий кўрсаткичлари ва кимёвий таркибининг мониторинги атроф табиий муҳит мониторингининг муҳим қисми ҳисобланади.

Жаҳонда атмосфера ёғинлари таркибидаги дейтерий ва кислород-18 қийматларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар 1960-йилларда бошланган. 1962 йилда Жаҳон метеорология ташкилоти ва Атом энергияси бўйича халқаро агентликнинг “Ёғинлардаги изотоплар глобал тармоғи” (ЁИГТ) ташкил этилган. Ҳозирги вақтда ушбу тармоқда дунёдаги 100 дан ортиқ давлатда 1200 дан зиёд станциялардаги ёғинларнинг изотоп таркиби ҳақидаги маълумотлар тўпланган. Шуни аҳамиятга молиқки, ушбу тармоқда ёғинлардаги дейтерий ва кислород-18 изотоплари ҳақида Ўзбекистон бўйича фақат Тошкент-Обсерватория метеостанцияси учун 1971 йилдаги маълумотлар мавжуд.

Тадқиқот давомида Ўзбекистон ҳудудидаги 6 та метеостанциядаги ёғинларнинг кимёвий ва изотоп таркиблари ўрганилган. Ушбу 6 та станция “Ёғинлардаги изотоплар глобал тармоғи”га киритилган ва станциялар учун алоҳида рақамлар олинган.


Диссертациянинг **“Ўзбекистонда атмосфера ёғинларининг кимёвий таркибининг ҳудудий ва вақт бўйича ўзгариши хусусиятлари”** деб номланган **иккинчи** бобида Ўзбекистондаги атмосфера ёғинлари кимёвий таркибининг кўп йиллик ва ҳудудий ўзгаришларини кўриб чиқилган.

Диссертация ишида Ўзгидрометнинг 12 та кузатув станциялари маълумотлари асосида Ўзбекистондаги атмосфера ёғинларининг физик-кимёвий кўрсаткичлари (рН, электр ўтказувчанлик) ва кимёвий таркиби (минерализация, бош ионлар миқдори)нинг 2000-2024 йиллардаги мавсумий, йил давомида ва йиллараро ҳамда ҳудудий ўзгаришлари таҳлил қилинган.

Атмосфера ёғинларнинг кимёвий таркиби ўрганилаётган ҳудуддаги экологик вазиятни кўрсатиб берувчи энг муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Ўзбекистондаги атмосфера ёғинлари кимёвий таркибининг шаклланишига бир қанча табиий ва антропоген омиллар таъсир қилади. Ўзбекистон вилоятлар кесимида турли рельефга эгаллиги ва саноат

корхоналарининг жойлашиши бўйича фарқ қилганлиги сабабли атмосфера ёғинларининг физик-кимёвий кўрсаткичлари ҳудудлар бўйича фарқ қилади.


pH. pH кўрсаткичларининг 7 дан паст ($pH < 7$) бўлиши ёғинлар муҳити кислотали эканини билдиради. Ўрганилган даврда атмосфера ёғинлари таркибидаги pH кўрсаткичларининг кўп йиллик қийматлари $pH = 6,2-7,2$ ораликда ўзгарган (1а-расм). Ҳудудлар бўйича pH кўрсаткичларининг нисбатан юқори кўп йиллик ўртача қийматлари Бекободда ($pH = 6,8-7,9$) қайд этилган, шунингдек, Бошқизилсой ($pH = 6,0-6,9$) ва Шаҳрисабз ($pH = 5,7-7,0$) станцияларида ҳам pH кўрсаткичи юқори кўп йиллик бўлган. Ўрганилган бошқа станцияларда (Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Чирчиқ, Янгийўл, Туябўғиз)да pH кўрсаткичлари $pH = 6,3-6,7$ ораликда бўлган. Баъзи ойларда Ангрена ($pH = 5,7$), Дуқантда ($pH = 5,8$) кучсиз кислотали ёмғирлар кузатилган. Энг минимал қийматлар Олмалиқ, Фарғона, Шаҳрисабз, Дуқантда ($pH = 4,1$), Чирчиқда ($pH = 4,2$), Тошкентда ($pH = 4,5$), Янгийўлда ($pH = 5,0$), Бошқизилсой ва Туябўғизда ($pH = 5,1$), Ангрена ва Бекободда ($pH = 5,4$), Самарқандда ($pH = 5,7$) кузатилган. Бу ҳолатни иссиқлик электр станцияларида кўмирни ёқиш натижаси ҳамда саноат корхоналаридан чиқадиган газларнинг таъсири деб баҳолаш мумкин. Ёғинлар муҳитининг кўпйиллик ўзгаришларини таҳлили, сўнгги йилларда pH кўрсаткичларини юқори бўлганлигини кўрсатади (1б-расм).



1-расм. Ўзбекистонда атмосфера ёғинлари pH қийматларининг а) ҳудуд бўйича, б) вақт бўйича кўпйиллик (2000-2024 йй.) ўзгаришлари

Электрўтказувчанлик. Таҳлил натижаларига кўра, атмосфера ёғинлари электрўтказувчанлик кўрсаткичлари ҳам анча ўзгарувчанлигини ва бу ўзгарувчанликнинг асосан ҳудуднинг саноатлашув даражаси, чангланиш ҳолати ва табиий-географик шароитлар билан боғлиқ эканини кўрсатади. Энг юқори кўрсаткичлар асосан Олмалиқ (737,9 мкС/см), Ангрена (644,4 мкС/см), Шаҳрисабз (457,1 мкС/см), Фарғона (441,6 мкС/см) ва Туябўғиз (408,4 мкС/см) станцияларида кузатилган (2а-расм). Аксинча, тоғли ҳудудларда жойлашган Бошқизилсой (77,3 мкС/см) ва Дуқант (118,9 мкС/см) станцияларида энг паст кўрсаткичлар кузатилган. Электрўтказувчанлик қийматларининг ойлар бўйича ўзгариши таҳлиliga кўра, энг максимал қийматлар июль-август ойларида кузатилади (2б-расм).

Буни ёғинлар миқдорининг ушбу ойларда нисбатан жуда кам бўлиши билан изоҳлаш мумкин.



2-расм. Ёғинлар таркибидаги электроўтказувчанлик кўрсаткичларининг а) ҳудудий, б) вақт бўйича кўпйиллик (2000-2024 йй.) ўзгаришлари


Ёғинлар минерализацияси. Атмосфера ёғинлари минерализацияси атмосферага чиқаётган чанг, саноат корхоналари ажратмалари, турли хил аэрозоллар таъсирини акс эттиради. Бу кўрсаткич ҳаво сифатини, чанг ва ифлослантирувчи моддалар миграциясини баҳолаш имконини беради. Ўзбекистон каби арид (қурғоқчил) ҳудудларда ёғин кам бўлгани сабабли, минерализациянинг юқорилиги чангли бўронлар ва саноат корхоналари ажратмаларининг кучли таъсиридан далолат беради.

Таҳлиллар Ўзбекистон ҳудудидаги атмосфера ёғинларининг минерализацияси (ΣU , мг/л) ҳудудлар кесимида ва вақт бўйича сезиларли фарқланишини кўрсатди: кўпйиллик маълумотларга кўра ёғинларнинг юқори минерализацияси Олмалик (172,4 мг/л), Ангрен (147,6 мг/л), Бекобод (125,2 мг/л), Фарғона (112,7 мг/л) шаҳарларида кузатилган. Бу шаҳарлар саноати ривожланган ҳудудлар бўлиб, тоғ-кон, металлургия, цемент ва кимё корхоналари ажратмалари ёғинлар минерализациясининг ортишига сабаб бўлади. Кам минераллашган ёғинлар тоғли ҳудудларда жойлашган Бошқизилсой (26,0 мг/л) ва Дукант (36,3 мг/л) станцияларида кузатилган. Ўртача қийматлар эса Тошкент, Янгийўл, Чирчиқ, Туябўғиз, Самарқанд, Шахрисабз станцияларида қайд этилган (3а-расм).

Кўп йиллик (2000–2024 йй.) таҳлиллар шуни кўрсатадики, айрим йилларда, хусусан 2010–2012 йилларда Олмаликда ёғинлар минерализацияси кескин (450 мг/л гача) ортган. Бунга асосан бу даврда саноат фаолиятининг кучайиши ва ёғин миқдорининг камайишини сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Бошқа ҳудудларда эса йиллик ўзгаришлар нисбатан барқарор бўлиб, 25–150 мг/л ораликда бўлган (3б-расм).

Умуман олганда, атмосфера ёғинлари минерализацияси Ўзбекистоннинг арид иқлими, саноат зоналари аэрозоллари ва Орол


денгизининг қуриган тубидаги чанг оқимлари билан узвий боғлиқ. Юқори минерализация тупроқ ва сув тизимларига юклама ошишига, баъзи ҳолларда эса тупроқ шўрланишига сабаб бўлиши мумкин. Шу боис, атмосферадаги физик-кимёвий жараёнларини узлуксиз кузатиш ва кимёвий мониторингни давом эттириш экологик хавфсизликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.



3-расм. Атмосфера ёғинлари минерализациясининг ўзгаришлари (2000-2024 й.): а) ҳудуд бўйича б) кўп йиллик

Бош ионлар. Атмосфера ёғинлари таркибидаги бош ионлар ўрганилаётган ҳудуднинг атмосфера ҳавоси ифлосланганлигини ва экологик вазиятини баҳолаш учун муҳим индикаторлардан ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг атмосфера ёғинлари кимёвий таркиби таҳлили натижаларига кўра, ёғинлар асосан сульфатли-гидрокарбонатли-кальцийли типга мансуб (4-расм). Барча 12 та кузатув пунктларида ёғинлар таркибида катионлар орасида кальций ионининг мутлақ устунлиги (20-30 мг/л атрофида) кузатилган. Ушбу устунлик ва магний ионининг доимий юқори миқдори минтақанинг қурғоқчил иқлимга хос бўлган минерал аэрозоллар (тупроқ чанги) нинг кучли таъсиридан далолат беради. Катионлар миқдорида натрий ва калийнинг улуши эса нисбатан кам.




4-расм. Атмосфера ёғинлари таркибидаги бош ионларнинг кўп йиллик (2000-2024 йй.) миқдорлари: а) анионлар, б) катионлар

Атмосфера ёғинларидаги анионлар гуруҳида сульфат ва гидрокарбонат ионлари устунлик қилади. Олмалиқ каби йирик саноат марказида сульфатлар

миқдори юқори кўрсаткичга (90 мг/л дан юқори) етади (4-расм). Бу, биринчи навбатда, шаҳарда кон-металлургия корхонасининг мавжудлиги билан боғлиқ. Саноат жараёнларида чиқадиган олтингурут диоксида атмосферадаги физик-кимёвий жараёнларда сульфатга айланади ва ёгинлар таркибида улар улушини орттиради. Бекобод ва Шаҳрисабз шаҳарларида эса ёгинлар таркибида гидрокарбонатлар улуши юқори.

А.А.Матвеев ва О.И.Башмаков Евроосиё материгига ёғадиган атмосфера ёгинлари кимёвий таркибини ўрганиб, Ўрта Осиё худудига ёғадиган атмосфера ёгинларини гидрокарбонатли-кальцийли гуруҳга киритган. Диссертация ишида олиб борилган таҳлиллар Ўзбекистон худудига кузатилган кўпйиллик (2000-2024 йй.) атмосфера ёгинлари кимёвий таркиби асосан сульфатли-гидрокарбонатли-кальцийли гуруҳга тегишли эканлигини кўрсатди. Ёгинлар таркибида катионлар орасида кальций (Ca^{2+}) улуши 24%, магний (Mg^{+}) 16%, натрий (Na^{+}) 6%, калий (K^{+}) эса 3% эканлиги аниқланди. Анионларда эса сульфат (SO_4^{2-}) 24%, гидрокарбонат (HCO_3^{-}) 20%, хлорид (Cl^{-}) эса 6% улушга эга эканлиги қайд этилган. Бу нисбатлар ёгинларда асосан Са- SO_4 типи устунлигини билдиради. Паст Cl^{-} миқдори эса континентал иқлим хусусиятини тасдиқлайди. Ёгинлар таркибида қиш мавсумида сульфатлар, ёзда эса гидрокарбонатлар улушининг ортиши кузатилган.



5-расм. Атмосфера ёгинлари кимёвий таркибида бош ионларнинг улуши

Барча кузатув пунктлари учун атмосфера ёгинлари минерализацияси ва ундаги бош ионлар миқдорлари орасидаги боғлиқлик тенгламалари тузиш ва уларнинг аниқлигини баҳолаш асосида Ангрен станциясида минерализациянинг SO_4^{2-} ва Mg^{2+} ионлари билан, Олмалик станциясида SO_4^{2-} ва Ca^{2+} ионлари билан, Дуқант станциясида HCO_3^{-} , ва Ca^{2+} ионлари билан, Бошқизилсой станциясида HCO_3^{-} , Ca^{2+} , Na^{+} ва K^{+} ионлари билан боғлиқлиги юқори эканлиги аниқланган (1-жадвал). Бу натижалар атмосфера ҳавоси ифлосланишини назорат қилишда ва ёгинлар кимёвий таркибини ўрганишда худудий ўзига хосликларни инобатга олиш зарурлигини кўрсатади.

Ўзбекистонда атмосфера ёғинлари минерализациясининг бош
ионлар концентрацияси билан боғлиқлиги

Ангрен		Олмалик	
Регрессия тенгламаси	$r \pm \sigma_r$	Регрессия тенгламаси	$r \pm \sigma_r$
$\text{HCO}_3^- = 0,0392 \Sigma U + 33,495$	$0,10 \pm 0,03$	$\text{HCO}_3^- = 0,0417 \Sigma U + 22,66$	$0,15 \pm 0,12$
$\text{SO}_4^{2-} = 0,8445 \Sigma U - 61,943$	$0,90 \pm 0,09$	$\text{SO}_4^{2-} = 0,7127 \Sigma U - 31,93$	$0,89 \pm 0,02$
$\text{Cl}^- = -0,0032 \Sigma U + 7,310$	$0,05 \pm 0,13$	$\text{Cl}^- = 0,0156 \Sigma U + 3,4783$	$0,24 \pm 0,12$
$\text{Ca}^{2+} = 0,0642 \Sigma U + 16,215$	$0,47 \pm 0,07$	$\text{Ca}^{2+} = 0,1565 \Sigma U + 1,6948$	$0,82 \pm 0,09$
$\text{Mg}^{2+} = 0,03 \Sigma U + 2,7754$	$0,51 \pm 0,09$	$\text{Mg}^{2+} = 0,0646 \Sigma U + 1,8118$	$0,49 \pm 0,07$
$\text{Na}^+ = 0,0109 \Sigma U + 2,083$	$0,15 \pm 0,12$	$\text{Na}^+ = 0,0013 \Sigma U + 2,2207$	$0,07 \pm 0,05$
$\text{K}^+ = 0,0077 \Sigma U + 1,2298$	$0,29 \pm 0,13$	$\text{K}^+ = 0,0034 \Sigma U + 1,2724$	$0,29 \pm 0,12$
Дукант		Бошқизилсой	
Регрессия тенгламаси	$r \pm \sigma_r$	Регрессия тенгламаси	$r \pm \sigma_r$
$\text{HCO}_3^- = 0,6311 \Sigma U - 6,510$	$0,90 \pm 0,12$	$\text{HCO}_3^- = 0,4417 \Sigma U - 1,661$	$0,76 \pm 0,12$
$\text{SO}_4^{2-} = 0,0821 \Sigma U + 4,499$	$0,36 \pm 0,02$	$\text{SO}_4^{2-} = 0,0883 \Sigma U + 4,7395$	$0,24 \pm 0,02$
$\text{Cl}^- = 0,0327 \Sigma U + 1,9135$	$0,23 \pm 0,12$	$\text{Cl}^- = 0,063 \Sigma U + 0,6403$	$0,35 \pm 0,12$
$\text{Ca}^{2+} = 0,2352 \Sigma U - 1,8229$	$0,86 \pm 0,09$	$\text{Ca}^{2+} = 0,196 \Sigma U + 0,8277$	$0,59 \pm 0,09$
$\text{Mg}^{2+} = 0,0143 \Sigma U + 1,304$	$0,26 \pm 0,07$	$\text{Mg}^{2+} = 0,0274 \Sigma U + 0,7664$	$0,37 \pm 0,07$
$\text{Na}^+ = 0,0115 \Sigma U + 0,954$	$0,18 \pm 0,05$	$\text{Na}^+ = 0,0562 \Sigma U - 0,7257$	$0,85 \pm 0,05$
$\text{K}^+ = 0,586 \Sigma U - 16,435$	$0,39 \pm 0,12$	$\text{K}^+ = 0,0174 \Sigma U - 0,0254$	$0,59 \pm 0,12$

Диссертациянинг “�збекистонда атмосфера ёғинлари изотоп таркибининг ҳудудий хусусиятлари” деб номланган учинчи боби атмосфера ёғинларининг изотоп таркибини ўрганишга бағишланган. Унда дастлаб, атмосфера ёғинларининг изотоп таркибини белгиловчи асосий омиллар, сўнгра Ўзбекистонда атмосфера ёғинлари изотоп таркибининг ҳудуд ва вақт бўйича ўзгаришлари таҳлил қилинган.

Диссертация ишини бажаришда Ўзбекистонда ёғинлардаги изотоплар қийматларини аниқлаш бўйича илк бор тизимли тадқиқотлар олиб борилган.

Сувда муайян стабил изотопларининг кўплиги (abundance) изотопик нисбатлар ($^{18}\text{O}/^{16}\text{O}$ ва $^2\text{H}/^1\text{H}$) билан аниқланиб, улар делта (δ) белгиси ёрдамида белгиланади ва одатда промилледа (‰) ифодаланади:

$$\delta^2\text{H} \text{ ёки } \delta^{18}\text{O} = \left(\frac{R_{\text{sample}}}{R_{\text{st}}} \right) \times 1000$$

Тенгламада R_{sample} - намунадаги тегишли $^2\text{H}/^1\text{H}$ ёки $^{18}\text{O}/^{16}\text{O}$ нисбатини, R_{st} - Вена ўртача стандарт океан суви (VSMOV)даги тегишли $^2\text{H}/^1\text{H}$ ёки $^{18}\text{O}/^{16}\text{O}$ нисбатини ифодалайди. VSMOVдаги мутлақ қийматлар $^2\text{H}/^1\text{H} = 155,76 \pm 0,05 \cdot 10^{-6}$ ва $^{18}\text{O}/^{16}\text{O} = 2005,2 \pm 0,45 \cdot 10^{-6}$ га тенг.

Изотоп маълумотларининг дастлабки статистик таҳлили атмосфера ёғинларининг изотоп таркибидаги умумий тенденцияларни тушунишга ёрдам беради. Ушбу таҳлил 2022–2024 йилларда Тошкент, Ангрен, Фарғона, Самарқанд, Шаҳрисабз ва Бошқизилсой метеостанцияларидан олинган маълумотларга асосланган.

Тадқиқот натижаларига кўра, ҳар бир метеостанцияда изотоп қийматлари фаслларга ва географик омилларга боғлиқ равишда юқори ўзгарувчанликка эга. $\delta^{18}\text{O}$ ва $\delta^2\text{H}$ кўрсаткичлари қиш ойлари паст, ёз ойлари эса анча юқори қийматлар билан тавсифланади.

Барча станцияларда изотоп қийматлар кенг диапазонда эканлиги кузатилган. Кислород-18 ($\delta^{18}\text{O}$) қийматлари ўртача -17 ‰ дан 3 ‰ гача, дейтерий ($\delta^2\text{H}$) қийматлари эса -120 ‰ дан 20 ‰ гача бўлган ораликда ўзгариши аниқланган (2-жадвал).


2-жадвал

Ўзбекистон ҳудудидаги ёғинлардаги $\delta^{18}\text{O}$ ва $\delta^2\text{H}$ қийматлари (2022-2024 йй.)

Метеорология станцияси	$\delta^{18}\text{O}$, ‰				$\delta^2\text{H}$, ‰			
	Мин.	Макс.	Ўртача	Стандарт оғиш	Мин.	Макс.	Ўртача	Стандарт оғиш
Тошкент	-16,34	1,95	-7,78	4,19	-122,73	16,41	-49,22	35,71
Ангрен	-15,28	-0,14	-7,89	4,36	-108,39	6,43	-48,95	34,83
Бошқизилсой	-17,66	-0,86	-9,20	3,88	-125,80	5,82	-56,26	31,87
Фарғона	-15,52	2,21	-6,81	5,35	-114,61	18,82	-45,10	37,47
Самарқанд	-14,35	1,10	-6,77	4,12	-98,44	18,82	-42,59	30,25
Шаҳрисабз	-19,87	0,02	-6,98	5,17	-148,10	21,60	-34,71	40,21

Изотоп кўрсаткичларининг бундай кенг диапазонда тарқалиши Ўзбекистоннинг мўътадил континентал иқлимига хос бўлган кучли мавсумий (ҳарорат) эффектининг таъсирини англатади. Яъни, ёзги (илик) атмосфера ёғинлари изотоп қийматлари жихатидан камроқ манфий қийматларга, қишки (совуқ) ёғинлар эса кўпроқ манфий қийматлар эга бўлади. Бу ҳолат одатда, Марказий Осиё минтақаси учун хосдир.

Аниқланган ўртача қийматларни станциялар бўйича таққослаш уларнинг жойлашуви, баландлиги ва минтақавий намлик манбаларига нисбатан фарқларини кўрсатади. Бошқизилсой (ўртача $\delta^{18}\text{O}=-9,20\text{‰}$, $\delta^2\text{H}=-56,26\text{‰}$) ва Ангрен (ўртача $\delta^{18}\text{O}=-7,89\text{‰}$, $\delta^2\text{H}=-48,95\text{‰}$) станциялари энг манфий қийматларга эга. Бошқизилсойнинг жойлашуви юқори тоғли ҳудудда эканлигини ҳисобга олсак, бу “баландлик эффекти” таъсирини аниқ кўрсатади (6-расм). Баландлик ошгани сари ҳарорат тушиши туфайли ёғинларнинг изотоп таркибида энгил изотопларнинг улуши ортади.




6-расм. Атмосфера ёғинлари изотоп таркибининг ҳудудий тақсимоти (2022-2024 йй.)

Ангрен станциясидаги ёгинлар таркибида енгил изотопларнинг кўплиги унинг Тошкент ва Фарғонага нисбатан баландроқ жойлашуви ва тоғли ҳудудга яқинлиги билан боғлиқ. Шахрисабз ($\delta^{18}\text{O}=-6,98\text{‰}$, $\delta^2\text{H}=-34,71\text{‰}$), Фарғона ($\delta^{18}\text{O}=-6,81\text{‰}$, $\delta^2\text{H}=-45,10\text{‰}$) ва Самарқанд ($\delta^{18}\text{O}=-6,77\text{‰}$, $\delta^2\text{H}=-42,59\text{‰}$) станцияларида ёгинлар изотоп таркиби кўрсаткичлари нисбатан камроқ манфий қийматларни кўрсатади.

Бундай қийматлар изотоплар асосан ёгинлар тушишидан олдин камроқ фракцияланишга учраганлигини англатади. Ўтказилган таҳлиллар ва келтирилган натижалар Ўзбекистондаги атмосфера ёгинлари изотоп таркиби Марказий Осиё учун хос бўлган ҳарорат эффекти ва баландлик эффектига мос эканлигини билдиради.

Шунингдек, Ўзбекистондаги атмосфера ёгинлари изотоп таркибидаги d-excess кўрсаткичлари, қабул қилинган халқаро ўртача қиймат 10‰ (Craig, 1961) билан солиштирилди. d-excess ($d\text{-excess}=\delta^2\text{H}-8\cdot\delta^{18}\text{O}$) - намлик манбасидаги кинетик фракцияланиш даражасига ва ёгин ёғиши жараёнидаги иккинчи даражали буғланиш таъсирига сезгир бўлган муҳим индикатор ҳисобланади. Намликнинг узоқ масофаларга ташилиши ва маҳаллий буғланиш таъсири изотоп таркибини Глобал метеорик сув чизиғи ГМСЧ(GMWL)дан юқорига силжитади. Ўзбекистон атмосфера ёгинларидаги d-excess ва $\delta^{18}\text{O}$ муносабати Ўзбекистоннинг Маҳаллий метеорик сув чизиғи - ММСЧ (LMWL) ГМСЧ (GMWL) дан юқори бўлишини тақозо қиладиган маҳаллий намлик манбалари (юқори d-excess) ва қурғоқчил иқлимнинг таъсири (паст d-excess) ўртасидаги икки томонлама фракцияланиш механизмини тасдиқлайди.

Диссертация ишида Ўзбекистондаги атмосфера ёгинлари таркибидаги стабил изотоплар учун илк бор Маҳаллий метеорик сув чизиғи олинган ва унинг ҳудудий хусусиятлари баҳоланган. ММСЧ Ўзбекистондаги ЁИГТ (GNIP) станцияларидан 2022-2024 йилларда олинган атмосфера ёгинлари изотоп таркиби ($\delta^2\text{H}$ ва $\delta^{18}\text{O}$) муносабатини акс эттиради (7-расм). Ушбу таҳлил минтақанинг гидрологик циклидаги асосий фракцияланиш механизмларини ва намлик манбалари динамикасини аниқлаш учун фундаментал аҳамиятга эга.



7-расм. Ўзбекистон атмосфера ёгинларининг изотоп таркибини маҳаллий метеорик сув чизиғи (LMWL) асосида таққослаш (2022-2024 йй.)

Графикдаги қизил чизик Маҳаллий метеорик сув чизиғи (LMWL) ни ($\delta^2\text{H}=7,40\cdot\delta^{18}\text{O}+7,81$), қора чизик эса Глобал метеорик сув чизиғи ($\delta^2\text{H}=8\cdot\delta^{18}\text{O}+10$) ни ифодалайди. ММСЧ (7,40) нинг ГМСЧ (8) га нисбатан оғиши Марказий Осиё каби қурғоқчил ва ярим қурғоқчил ҳудудларда атмосфера ёғинлари ҳаводаги намлик кам ва ҳаво ҳарорати юқори бўлган шароитда шаклланганлиги сабабли изотоплар фракцияланишга учрашини ва бу жараён $\delta^{18}\text{O}$ ни $\delta^2\text{H}$ га нисбатан камроқ бойитишини билдиради. Шунингдек, чизикнинг оғишига мавсумий (ҳарорат) эффекти ҳам таъсир қилади. Нуқталар бўйича $\delta^{18}\text{O}$ кенг диапазонда (-20‰ дан 5‰ гача) тақсимланган. Энг манфий қийматлар ($\delta^{18}\text{O}<-15\text{‰}$) совуқ қиш ойлари ёки юқори баландликдаги ёғинларга (масалан, Бошқизилсой) тўғри келади, энг бой (камроқ манфий) қийматлар эса иссиқ ёзги ёғинлар билан боғлиқ бўлиб, бу кучли мавсумий ҳарорат фракцияланишини ифодалайди. Баландлик эффекти натижасида Бошқизилсой ва Ангрен станцияларининг аксарият нуқталари графикнинг манфий қисмида жойлашган. Бу уларнинг юқори тоғли ёки тоғолди ҳудудларида жойлашганлиги сабабли баландлик эффекти кучли таъсирини акс эттиради. Аксинча, Шаҳрисабз ва Самарқандга оид нуқталар ГМСЧ атрофида оғир изотопларга бойроқ қийматларга силжиган, бу нисбатан пастроқ баландликларда ҳарорат ва буғланишнинг кучлироқ таъсирини кўрсатади.

ХУЛОСА

1. Ўзбекистонда атмосфера ёғинларининг кимёвий таркибини ўрганиш бўйича тадқиқотлар 1990-йиллар охири – 2000-йиллар бошларида олиб борилган. Ёғинлар таркибидаги стабил изотоплар (дейтерий ва кислород-18) ҳақида фақатгина Тошкент-Обсерватория станцияси бўйича 1971 йилдаги маълумотлар мавжуд.

2. Ўзбекистонда 2000-2024 йиллардаги атмосфера ёғинларининг рН кўрсаткичи Бекобод (рН=6,8-7,9) Бошқизилсой (рН=6,0-6,9) ва Шаҳрисабз (рН=5,7-6,9) станцияларида нисбатан юқорироқ эканлиги аниқланган. Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Чирчиқ, Янгийўл, Туябўғиз станцияларида рН кўрсаткичлари рН=6,3–6,7 оралиқда бўлган. Баъзи ойлarda Ангренда (рН=5,7), Дуқандда (рН=5,8) кучсиз кислотали ёмғирлар кузатилган. Энг минимал қийматлар Олмалик, Фарғона, Шаҳрисабз, Дуқандда (рН=4,1), Чирчиқда (рН=4,2), Тошкентда (рН=4,5), Янгийўлда (рН=5,0), Бошқизилсой ва Туябўғизда (рН=5,1), Ангрен ва Бекободда (рН=5,4), Самарқандда (рН=5,7) кузатилган. Буни иссиқлик электр станциялари ва саноат корхоналаридан чиқадиган газларнинг таъсири деб баҳолаш мумкин.

3. Атмосфера ёғинларининг электрўтказувчанлиги ҳудудлар бўйича кескин фарқланиши аниқланган. Энг юқори қийматлар Олмалик (737,9 мкС/см), Ангрен (644,4 мкС/см), Шаҳрисабз (457,1 мкС/см) ва Фарғона (441,6 мкС/см) станцияларида кузатилган. Тоғли ҳудудларда жойлашган

Бошқизилсой (77,3 мкС/см) ва Дукант (118,9 мкС/см) станцияларида ёғинларнинг электрўтказувчанлиги паст бўлган.

4. Ўзбекистонда атмосфера ёғинларининг минерализацияси ҳудуд ва вақт бўйича сезиларли фарқланишга эга. Энг юқори минерализация Олмалик (172,4 мг/л), Ангрен (147,6 мг/л), Бекобод (125,2 мг/л) станцияларида қайд этилган, бу ушбу шаҳарларда атмосфера ҳавоси сифатига антропоген таъсир юқорилигини кўрсатади. Тоғли Бошқизилсой (26,0 мг/л) ва Дукант (36,3 мг/л) станцияларида минерализация паст миқдорларда қайд этилган.

5. Ўзбекистондаги ёғинлар таркибида сульфат, гидрокарбонат ва кальций ионларининг улуши юқорилиги аниқланган, саноат ҳудудларида сульфатлар, тоғли ҳудудларда эса карбонатлар асосий улушни белгилайди. Барча кузатув пунктлари учун атмосфера ёғинлари минерализацияси ва ундаги бош ионлар миқдорлари орасидаги боғлиқлик таҳлили асосан Ангрен станциясида минерализациянинг SO_4^{2-} ва Mg^{2+} ионлари билан (мос равишда $r=90$ ва $r=51$), Олмалик станциясида SO_4^{2-} ва Ca^{2+} ионлари билан (мос равишда $r=89$ ва $r=82$), Дукант станциясида HCO_3^- ва Ca^{2+} ионлари билан (мос равишда $r=90$ ва $r=86$), Бошқизилсой станциясида HCO_3^- , Ca^{2+} , Na^+ ва K^+ ионлари билан (мос равишда $r=76$, $r=59$, $r=85$ ва $r=59$) боғлиқлиги юқори эканлиги аниқланган.

6. Ўзбекистонда атмосфера ёғинларидаги $\delta^{18}\text{O}$ ва $\delta^2\text{H}$ қийматларининг йиллик ўзгариши ёғин миқдори, мавсумий ҳарорат, буғланиш жараёни ва ҳаво массаларининг келиб чиқишига боғлиқ равишда сезиларли фарқларга эга. Қиш мавсумида ёғинлар изотоп жиҳатдан энг енгил бўлса, ёзда буғланиш ошиши натижасида изотоплар таркиби оғирроқ бўлади. Бу йиллик изотоп цикли Ўзбекистоннинг кескин континентал иқлимга хос хусусият ҳисобланади. Изотоплар қийматларининг йиллар бўйича барқарор эмаслиги ёғин манбалари ва атмосфера циркуляциясидаги ўзгаришларга мос келади.

7. Ҳудудий кесимда изотоп таркиби тоғли ҳудудларда (Бошқизилсой, Ангрен) енгилроқ, паст тоғ олди ва пасттекистик ҳудудларида эса (Фарғона, Шаҳрисабз) оғирроқ эканлиги кузатилган. Баландлик ортиши билан ёғинлардаги енгил изотоплар нисбати ортади. Бу стабил изотопларнинг ($\delta^{18}\text{O}$ ва $\delta^2\text{H}$) ёғинлар билан тушиш жараёнларининг баландлик градиенти ва орографияга боғлиқлигини билдиради.

8. Ўзбекистон бўйича олинган маҳаллий метеорик сув чизиғи (ММСЧ) ($\delta^2\text{H}=7,40*\delta^{18}\text{O}+7,81$) глобал метеорик сув чизиғи (ГМСЧ)га ($\delta^2\text{H}=8*\delta^{18}\text{O}+10$) яқин бўлса-да, минтақа учун хос буғланиш шароитлари ва арид иқлим туфайли бироз пастроқ қияликка эга. Иссиқ мавсумда нуқталарнинг ГМСЧдан оғиши кучаяди, бу эса иккиламчи буғланиш жараёнларининг кучли эканлигидан далолат беради.

9. Ўзбекистондаги атмосфера ёғинлари таркибидаги стабил изотоплар (дейтерий ва кислород-18) қийматлари ҳақидаги 2022-2024 йилдаги маълумотлар базаси яратилган ва Жаҳон метеорология ташкилоти ва Атом энергияси бўйича халқаро агентликнинг “Ёғинлардаги изотоплар глобал тармоғи” (ЁИГТ) маълумотлар базасига киритилган, шу орқали мамлакатнинг ЁИГТ тармоғидаги иштироки таъминланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.18/2025.27.12.Gr.02.01 ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ
ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

ИСАБЕКОВ СЕРИК РИСБЕК УГЛИ

**ПРОСТРАНСТВЕННЫЕ ОСОБЕННОСТИ ХИМИЧЕСКОГО И
ИЗОТОПНОГО СОСТАВА АТМОСФЕРНЫХ ОСАДКОВ В
УЗБЕКИСТАНЕ**

11.00.03 – Гидрология суши. Водные ресурсы. Гидрохимия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ГЕОГРАФИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2026

Тема диссертации доктора философии (PhD) по географическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за номером B2025.2.PhD/Gr391.

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском гидрометеорологическом институте.

Автореферат на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-сайте Научного совета (www.nigmi.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Нишонов Бахриддин Эркинович
кандидат технических наук,
старший научный сотрудник

Официальные оппоненты:

Муродов Шухрат Одилович
доктор технических наук, профессор
Хайдаров Сафарбой Абдирашитович
доктор философии по географическим наукам

Ведущая организация:

Национальный университет Узбекистана

Защита диссертации состоится «17» апреля 2026 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета по присуждению учёных степеней DSc.18/2025.27.12.Gr.02.01 при Научно-исследовательском гидрометеорологическом институте (Адрес:100052, г.Ташкент, ул.1-й проезд Бодомзор йули, 72. Тел: +998 71 2358512, факс: +998 71 2371319, e-mail: info@nigmi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Научно-технической библиотеке Научно-исследовательского гидрометеорологического института (зарегистрирован за №238) (Адрес: 100052, г. Ташкент, ул. 1-й проезд Бодомзор йули, 72. Тел: +998 71 2358512, факс: +998 71 2371319).

Автореферат диссертации разослан «3» апреля 2026 г.

(Реестр протокола рассылки № _____ от « _____ » _____ 2026 г.).



Б.М.Холматжанов
Председатель Научного совета по
присуждению учёных степеней, д.г.н.

Э.Ю.Сафаров
ВрИО Учёного секретаря Научного совета по
присуждению учёных степеней, д.т.н.

Д.М.Тургунов
Председатель научного семинара при Научном
совете по присуждению учёных степеней, д.г.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире в результате увеличения загрязнения атмосферного воздуха в городах и индустриальных районах изменяется химический состав атмосферных осадков, также, в условиях изменения климата возрастает значение атмосферных осадков в глобальном круговороте воды. В связи с этим, в докладе Международного агентства по атомной энергии говорится: «Потенциальное воздействие изменения климата на водные ресурсы является одним из наиболее тревожных вопросов, изучаемых в рамках многих международных научных программ. Определение характеристик источников влаги в местных осадках имеет решающее значение для лучшего понимания климатических взаимосвязей»³. Это обстоятельство требует изучения изменений химического состава атмосферных осадков в различных регионах мира, совершенствования методов оценки вклада атмосферных осадков в водные ресурсы рек, проведения научных исследований по использованию стабильных изотопов воды.

В мире проводятся исследования в данном направлении, в частности, по определению химического состава атмосферных осадков, их изменений в результате антропогенных и природных воздействий, влияния кислотных дождей на состояние компонентов окружающей среды. Также особое внимание уделяется изучению особенностей пространственных и временных изменений изотопного состава атмосферных осадков в условиях изменения климата, оценке их вклада в формирование водных ресурсов и выявлению локальных особенностей глобального водооборота.

В нашей республике реализуется ряд мер, направленных на снижение загрязнения атмосферного воздуха, выявлению дополнительных источников водных ресурсов, использованию атмосферных осадков в водоснабжении и достигнуты определенные положительные результаты. В Стратегии «Узбекистан-2030» определены важные задачи по «принятию решительных мер по предотвращению загрязнения атмосферного воздуха, сохранению его природного состава» и «разработке долгосрочного баланса водных ресурсов республики и внедрению системы постоянного мониторинга за ним»⁴. В этой связи, выявление изменения химического состава атмосферных осадков от загрязнения атмосферного воздуха, оценка пространственных изменений химического и изотопного состава атмосферных осадков, определение источников водных ресурсов рек с использованием изотопных данных имеют важное научное и практическое значение.

Диссертационное исследование в определённой степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-158 от 11 сентября 2023 года «О стратегии

³ Water and climate change. <https://www.iaea.org/topics/climate-change-and-the-water-cycle>

⁴ Указ Президента Республики Узбекистан № УП-158 от 11 сентября 2023 года «О стратегии Узбекистана-2030». <https://www.lex.uz/ru/docs/6600404>

Узбекистан-2030», № УП-229 от 24 ноября 2025 года «О неотложных мерах по улучшению экологической ситуации в городе Ташкенте», Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-4896 от 17 ноября 2020 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности гидрометеорологической службы Республики Узбекистан», в Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан № ПКМ-343 от 3 июня 2021 года «О дальнейшем совершенствовании системы оценки уровня загрязнения окружающей среды» а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационная работа выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики V. “Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды”.

